

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**САИДАКБАРОВА САОДАТ ПАРХАДЖАНОВНА**

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ГАСТРОНОМИК  
ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма  
тилшунослик ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

УЎК: 811.111 (575.1)  
ББК 81.2-7 (4) С 21

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

**Саидакбарова Саодат Пархаджановна**

Инглиз ва ўзбек тилларида гастронимик фразеологизмларнинг  
лингвомаданий хусусиятлари ..... 3

**Саидакбарова Саодат Пархаджановна**

Лингвокультурологические особенности гастронимических  
фразеологизмов в английском и узбекском языках ..... 27

**Saidakbarova Saodat Parhadjanovna**

Linguocultural features of gastronomic phraseological units in English  
and Uzbek languages ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**САИДАКБАРОВА САОДАТ ПАРХАДЖАНОВНА**

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ГАСТРОНОМИК  
ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира  
тилшунослик ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Fil885 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tsuos.uz](http://www.tsuos.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Усманова Шоира Рустамовна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Маматов Абдуғофур Эшонқулович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Сиддиқова Ирода Абдузхуровна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети хузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: [sharq\\_ilmiy@mail.ru](mailto:sharq_ilmiy@mail.ru).)

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри Шаҳрисабз кўчаси 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21.)

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.М. Маннонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Р.А. Алимухамедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

**Х.З. Алимова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида олам манзарасининг тилда акс этишини ўрганиш, халқнинг турмуш тарзи, миллий-ментал хусусиятлари ҳамда характери кабиларнинг тил бирликларида воқеланишини очиб беришга алоҳида диққат қаратилмоқда. Турли қардош бўлмаган тилларни чоғиштириш орқали миллий тилларнинг ифода имкониятларини кўрсатиб бериш, халқ этномаданиятининг ифодаси бўлган паремиологик бирликларнинг лингвомаданий жиҳатларини ўрганиш, аниқланган лингвомаданий хусусиятлар орқали халқнинг турмуш тарзидаги ўзгаришлар юзасидан хулосалар чиқаришга катта эҳтиёж сезилмоқда.

Дунё тилшунослигида систем-структур йўналишдаги тадқиқотлар фразеологизмларни семантик-структур жиҳатдан ўрганишга, семик-семемик таркибини очиб бериш; этнолингвистик характердаги ишлар фразеологизмларни шакллантирган образли асослар ва уларнинг таркибидаги компонентларнинг халқ турмуши билан боғлиқлигини белгилаш ҳамда ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, лингвомаданий аспектдаги тадқиқотлар эса фразеологизмнинг шаклий ва маъновий асосида миллат маданиятининг қандай ва қай даражада акс этишини баҳолашга йўналтирилмоқда. Гастрономик компонентларнинг фразеологизмларни шакллантириши, муайян маданият индентификатори сифатида намоён бўлишини тил ва маданият муносабати мисолида ўрганишга эътибор берилмоқда.

Истиқлол йилларида эришган ютуқларимизга таяниб, миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари дадил қадам қўймоқдамиз<sup>1</sup>. Миллий юксалишнинг муҳим шартларидан бири давлат тилини ривожлантириш, бошқа тилларга чоғиштириб ўрганиш ҳамда ўзбек тилининг ўзига хос табиатини кўрсатиб бериш ҳисобланади. Ўзбек тилшунослигида фразеология тилшуносликнинг махсус соҳаси сифатида ривожланган ва фразеологизмлар қиёсий-тарихий ҳамда систем-структур йўналишда чуқур тадқиқ этилган. Бироқ ўзбек тилининг гастрономик фразеологизмлари алоҳида тадқиқот объекти бўлмаган, улар лингвомаданиятшунослик нуқтаи назаридан бошқа тилларга қиёслаб ўрганилмаган. Шу боис инглиз ва ўзбек тилларидаги гастрономик фразеологизмларнинг лингвомаданий хусусиятларини чоғиштириб ўрганиш ўзбек тилшунослигининг долзарб масалаларидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси»ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи, 2018 йил, 01 сентябрь.

чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 16 апрелдаги ПҚ-4680-сон «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё тилшунослигида тил ва маданият муносабати, миллий-маданий ўзига хосликларнинг тилда намоён бўлишини аниқлаш бўйича В.Н.Телия, В.А.Маслова, Е.В.Смирнова, А.Вежбицкая, Е.В.Бабаева, Л.Е.Вильмс, Н.В.Баришев, Т.И.Бадмаева, Т.Б.Пасечник, А.Д.Летова, Н.В.Титаренко, М.Л.Кошова, Н.Ю.Нелюбова, А.А.Лазукова, А.П.Кови, Р.Мун, Дж.М.Синклер, Дж.Д.Гриффин, С.Петронела, Й.Фаозининг тадқиқотлари бор ва улар лингвомаданиятшуносликнинг ривожига ҳисса қўшган<sup>2</sup>. М.С.Никишкова П.Г.Логинова, В.П.Синичкин, Е.В.Смирнова, Л.Пиннавая, Т.Вилсон сингари тадқиқотчилар гастронимик фразеологизмларни лингвомаданиятшунослик ва когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганган. Уларда қариндош ва ноқариндош халқларнинг маданияти, урф-одат ва анъаналарининг тилга таъсири масаласи миллий иборалар воситасида ёритилган<sup>3</sup>.

<sup>2</sup> Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Школа «Языки русской культуры», 1996. – 288 с.; Маслова В. А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: Академия, 2001. – 194 с.; Вежбицкая А. Язык. Культура. Познание. –М.: Русские словари, 1996. – 416 с.; Бабаева Е.В. Культурно-языковые характеристики отношения к собственности (на материале немецкого и русского языков): Дисс. ...канд. филол. наук. – Волгоград, 1997. – 438 с.; Вильмс Е. Лингвокультурологическая специфика понятия «любовь» (на материале немецкого и русского языков): Дисс. ...канд. филол. наук. – Волгоград, 1997. – 214 с.; Летова А.Д. Лингвокультурологический концепт «английская национальная личность» в сопоставительно-контрастивном описании афористики: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – М., 2004. – 24 с.; Титаренко Н.В. Национально-культурный компонент фразеологизма в сопоставительном аспекте (на материале русского, английского и испанского языков): Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Волгоград, 2008. – 27 с.; Кошова М.Л. Семантика и прагматика фразеологизмов (Лингвокультурологический аспект): Автореф.дисс....док. филол. наук. – М., 2009. – 49 с.; Нелюбова Н.Ю. Языковая манифестация лингвокультурного концепта «вино»: фразеологический аспект (на материале французского, итальянского, испанского, английского и русского языков): Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – М., 2017 – 48 с.; Лазукова А.А. Лингвокультурологический анализ фразеологизмов, характеризующих человека: Лингвокультурология. – Екатеринбург, 2008. – №2. – С. 137–144.; Cowie, A.P. Phraseology: Theory, Analysis, and Applications. Oxford: Oxford University Press, 1998. – 258 pp.; Moon R. Fixed Expressions and Texts: A Study of the Distribution and Textual Behaviour of Fixed Expressions in English. Oxford: Clarendon Press, 1998. – 313 pp.; Sinclair M.J. Corpus, Concordance, Collocation. Oxford University Press, 1991. – 276 pp.; Faozi Y. A cultural based analysis of selected idiomatic expressions in Syrian Arabic: diss. doc. of education. – California, 1985. – 292 pp.; Jeffrey D. Griffin. An investigation of idiomatic expressions in the Hebrew Bible with a case study of anatomical idioms: diss. doc. of philosophy. – Arkansas, 1989. – 197 pp.; Petronela S., Boghian I. The Methodological aspects of a Romanian-English contrastive collection of food idioms and proverbs. // Academia.edu. – Vacau, 2014. P. 99 – 106.

<sup>3</sup> Никишкова М.С. Этнолингвокультурный гастронимический код в потребностной коммуникации (на материале английского языка): Дисс. ...канд. филол. наук. – Самара, 2017. – 192 с.; Логинова П.Г. Языковая манифестация лингвокультурного концепта «вино» фразеологический аспект (на материале французского, итальянского,

Шунингдек, фразеологизмларнинг лингвомаданий хусусиятлари адабиётшунослик<sup>4</sup>, этимология<sup>5</sup>, педагогика<sup>6</sup>, диншунослик<sup>7</sup>, тарих<sup>8</sup> психология<sup>9</sup> маданиятшунослик<sup>10</sup> фанларининг ҳам тадқиқ объекти бўлган.

Ўзбек тилшунослигида лингвомаданиятшунослик масалаларига бағишланган илк тадқиқотлар Ш.Сафаров, Д.Худойберганова, Н.Маҳмудов, Ш.Усмановалар томонидан олиб борилган<sup>11</sup>.

Ш.Шомақсудов, С.Долимов, А.Маматов, Б.Йўлдошев сингари тадқиқотчиларнинг қатор ишларида гастронимик фразеологизмлар ҳақида маълумотлар берилган<sup>12</sup>. Уларда гастронимик фразеологизмларнинг тилдаги ўрни, семантик-услубий хусусиятлари, образли асослари, инсон характери ифодалашдаги аҳамияти ва бошқа жиҳатлари таҳлилга тортилган. Аммо ҳозиргача инглиз ва ўзбек тилларидаги гастронимик фразеологизмлар лингвомаданий жиҳатдан махсус ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Таржимашунослик, қиёсий тилшунослик ва лингвомаданиятшуносликнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги йўналишида бажарилган.

---

испанского, английского и русского языков): Дисс... канд. филол. наук. – Москва, 2017. – 375 с.; Синячкин В.П. Концепт хлеб в русском языке, лингвокультурологические аспекты описания: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Москва, 2002. – 24 с.; Смирнова Е.В. Лингвокультурологический анализ фразеологизмов с гастрономическим компонентом как отражения национального характера испанцев и русских // Русский и иностранные языки и методика их преподавания. – М.: Россия Вестник РУДН, 2013. С. 54-58.; Pinnavaia L. We are what we eat. Analyzing food and drink idioms in English, French, German, and Spanish // Academia.edu – Italy: The University of Milan, 2015. – P. 455-469.; Wilson T.M. Food, Drink and Identity in Europe: Consumption and the Construction of Local, National and Cosmopolitan Culture // European Studies № 22. – Amsterdam-New York, 2006. – P. 16-21.;

<sup>4</sup> Кудрина Н.В. Предметные фразеологизмы в поэзии Анны Ахматовой: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Челябинск, 2008. – 24 с.

<sup>5</sup> Горбушина И.А. Словообразовательное и этимологическое гнездо слов от праславянского корня \*тер- в русском языке на славянском фоне: Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 2016. – 24 с

<sup>6</sup> Shaffer A.E. Teaching idioms with Conceptual metaphors and visual representations // The internet TEFL Journal. vol.57, 2005. – P.13-15.

<sup>7</sup> Jeffrey D. Griffin. An investigation of idiomatic expressions in the Hebrew Bible with a case study of anatomical idioms: Diss. doc. of philosophy. – Arkansas, 1989. – 197 pp.;

<sup>8</sup> Киндря Н.А. Английские и русские фразеологизмы с компонентом-зоонимом в свете истории культуры: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – М., 2005. – 28 с.

<sup>9</sup> Robert Di Pierto. "Idioms, How We Love / Hate You" Interfaces: Linguistic and Psychoanalysis Newsletter, No.6. Washington, 1976. – P.3.

<sup>10</sup> Karen Ann Watson. "Understanding Human Interaction: The Study of Everyday Life and Ordinary Talk // Cultural Learning, Concepts, Applications, and research // University of Hawaii, 1974. – P.101-111; Ковалевская Л.А. Внутренняя форма как источник семантической мотивации и культурной коннотации фразеологизмов русского языка: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Великий Новгород, 2010. – 22 с.;

<sup>11</sup> Сафаров Ш. Семантика. – Тошкент. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2013.; Маҳмудов Н. Оламнинг лисоний манзараси ва сўз ўзлаштириш // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2015. №3. – Б.3-12; Худойберганова Д.С. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол. фан. д-ри. дисс. – Тошкент, 2015; Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. №5. – Б.3-16; Usmanova Sh. Tarjimaning lingvomadaniy aspektlari. – Toshkent: ToshDSHI, 2017. – 254 б.;

<sup>12</sup> Шомақсудов Ш., Долимов С. Қайроқи сўзлар. – Тошкент: Санъат, 2018. – 238 б.; Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари: Филол. фан. д-ри. дисс. – Тошкент, 1999. – 316 б.; Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фан. д-ри. дисс. автореф. – Тошкент, 1993. – 24 б.;

**Тадқиқотнинг мақсади** инглиз ва ўзбек тилларидаги гастрономик компонентли фразеологизмларни лингвомаданий жиҳатдан таҳлил қилиш, уларнинг семантикасида халқ маданияти, урф-одат ва анъаналари, ижтимоий муносабатларнинг акс этишини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

инглиз ва ўзбек тилларидаги гастрономик фразеологизмларнинг келиб чиқиш манбаларини аниқлаш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги гастрономик фразеологизмларнинг семантик ва лингвомаданий майдонини ёритиш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги гастрономик фразеологизмларда миллий урф-одат, анъана ва ижтимоий муносабатларнинг ифодаланиш даражасини очиб бериш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги гастрономик фразеологизмларни мавзуй гуруҳларга ажратиш ва улардаги маданий кодни аниқлаш;

инглиз ва ўзбек тилларида гастрономик фразеологизмларнинг лингвомаданий тадқиқи орқали ҳар икки халқ менталитетининг ўзига хос жиҳатлари юзасидан хулосалар чиқариш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида инглиз ва ўзбек ёзувчиларининг асарларидаги гастрономик фразеологизмлар, инглиз, ўзбек ва рус тилларидаги луғатлар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни инглиз ва ўзбек тилларидаги гастрономик фразеологизмлар ва уларнинг лингвомаданий хусусиятларини очиб бериш усуллари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифлаш, таснифлаш, чоғиштирма, лингвомаданий ҳамда статистик жиҳатдан таҳлил усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

инглиз ва ўзбек тилларидаги гастрономик фразеологизмлар этимологик жиҳатдан ижтимоий, минтақавий-тарихий, кросс-маданий ҳамда диний-ахлоқий омиллар билан боғлиқ ҳолда лингвомаданий кодлар асосида шаклланганлиги асосланган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги гастрономик фразеологизмларнинг лексик-семантик ҳамда парадигматик лингвомаданий майдони ўрганилиши натижасида инглиз тилидаги ибораларнинг ўзбек тилига нисбатан муқобиллик даражаси тўлиқ, қисман мос келиши ёки умуман мувофиқ келмаслиги аниқланган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги гастрономик фразеологизмларнинг миллий-махаллий лингвомаданий кодини аниқлаш орқали уларда этник халқнинг урф-одати, анъана ва ижтимоий муносабатларнинг ифодаланиш даражаси далилланган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологизмларнинг «milk»/ «сут», «bread»/ «нон», «dessert»/ «ширинлик» каби гастрономик кодлар доирасида шаклланиши ҳамда уларнинг лингвосемиотик модел орқали маданий кодга айланиши асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларидаги гастрономик фразеологизмларга оид хулосалар фразеология учун муҳим маълумотларни берган;

қиёсий типология, дискурсив тилшунослик ва лингвомаданиятшунослик фанларидан яратилдиган дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мукаммаллашувига хизмат қилган;

диссертация материаллари асосида инглиз ва ўзбек тилларининг гастрономик фразеологик луғатини тузиш имкони пайдо бўлган;

гастрономик фразеологизмлар воситасида умуминсоний ва миллий маданият, миллат ва элатларнинг яшаш тарзи, урф-одатлари, анъаналари ёритилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертацияда фойдаланилган назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олинганлиги, танланган манбаларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, муаммонинг аниқ қўйилганлиги, қўлланган ёндашув усуллари, келтирилган таҳлил, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фразеологизмларнинг лингвомаданий қиймати белгиланганлиги, инглиз ва ўзбек тиллари лексикасида гастрономик фразеологизмларнинг ўрни бўйича хулосаларга келинганлиги, инглиз ва ўзбек тилларини чоғиштириб ўрганиладиган тадқиқотлар учун муҳим илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий ўқув юртларининг филология факультетларида «Лингвомаданиятшунослик», «Таржиманинг лингвомаданий аспекти», «Қиёсий тилшунослик», «Контрастив лингвистика» каби фанларни ўқитиш, махсус курс ва семинарлар ташкил этиш, дарслик ва қўлланмалар яратиш, икки тилли луғатлар тузиш ҳамда таржимачиликда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инглиз ва ўзбек тилларидаги гастрономик фразеологизмларнинг лингвомаданий хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган хулосалар асосида:

инглиз ва ўзбек тилларидаги гастрономик фразеологизмларнинг миллий-маданий хусусиятлари, уларнинг шаклланишидаги маданий код ва образли асосларга оид материаллардан А 1-180 «Таржима ва маданиятлараро мулоқот масалаларига оид ўқув қўлланмалари яратиш» лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 89-03-5134-сон маълумотномаси). Натижалар татбиқи таржима ва маданиятлараро мулоқот масалаларига оид ўқув қўлланмаларда лингвомаданий бирликларни тавсифлашга ёрдам берган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги гастрономик фразеологизмларнинг таснифи, қўлланишига оид хулосалардан Англиянинг Норвич шаҳридаги NILE тиллар ўқитиш институтида «Linguacultural features of gastronomic idioms» мавзусидаги

илмий тадқиқот ишида фойдаланилган (Англиянинг Норвич шаҳридаги NILE тиллар ўқитиш институтининг 2019 йил 25 августидagi маълумотномаси). Натижалар NILE тиллар ўқитиш институтида (Norwich Institute of Language Education)да инглиз тилидаги гастрономик фразеологизмларнинг лингвомаданий хусусиятларини аниқлаш ҳамда шу мавзуда сўровнома тайёрлашга хизмат қилган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги гастрономик фразеологизмларнинг келиб чиқиши, уларнинг лингвомаданий хусусиятларига оид тарихий фактлар ҳақидаги маълумотлардан «O‘zbekiston 24» радиоканалининг «Бедорлик», «Миллат ва маънавият» эшиттиришлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган («O‘zbekiston 24» радиоканали ДУКнинг 2020 йил 3 декабрдаги 04-25-12/15-сон маълумотномаси). Натижалар татбиқи эшиттиришнинг илмий далилларга бой бўлишини таъминлаган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманида маъруза шаклида баён қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш нашр этилган. Шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (4 таси республика, 2 таси хорижий журналларда) эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, шартли қисқартмалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, умумий ҳажми 148 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Гастрономик фразеологизмларни лингвомаданий аспектда ўрганиш муаммолари**» номли 1-бобида фразеологизмларни ўрганишнинг назарий жиҳатлари, гастрономик фразеологизмлар, уларнинг ўрганилиши ва лингвомаданий таҳлили берилган.

Инглиз тили фразеологизмларини ўрганган А.В.Куниннинг фикрича, ФБлар тўлиқ ва қисман кўчма маънода қўлланадиган турғун сўз бирикмалардир<sup>13</sup>.

Р.Шолес иборани «сўзлашувчилар томонидан тушуниладиган, лекин маъноси кўпинча сўзларнинг маъносидан фарқ қиладиган бирликлар» деб қайд

<sup>13</sup> Кунин А.В. Фразеология современного английского языка. – М., 1972. – С.7-9.

этади<sup>14</sup>. С.Иружо ҳам ушбу фикрни маъқуллаб, «ибора бу маъноси компонент маъноларидан аниқлаб бўлмайдиган одатий ифодадир»<sup>15</sup>, дейди. Масалан, *milk and water* иборасини «milk» ва «water» сўзлари орқали тушуниб бўлмайди. Инглиз тили соҳиблари эса *milk and water* иборасининг лапашанг, қўлидан ҳеч иш келмайдиган инсонга қараб айтилишини дарҳол англайдилар.

Бизнингча, мазкур фикрни барча фразеологик бирликларга нисбатан қўллаб бўлмайди. Айрим фразеологизмлар таркибидаги компонентларнинг вазифаси ва улар англалган маънодан ўсиб чиққан бўлади. Масалан, инглиз тилидаги *after meat mustard* ибораси «ўз вақтида қилинмаган иш фойда келтирмайди, аксинча, кишини ҳижолатда қолдиради» маъносини ифодалайди. Унинг таркибидаги «meat» (гўшт) ва «mustard» (хантал) сўзлари тўғри маъноси билан боғлиқ. Инглизлар гўштни кўпинча хантал ёки бошқа қайла билан бирга истеъмол қиладилар. Гўшт еб бўлгандан сўнг ханталнинг керак эмаслиги бунда ифодаланган. Мазкур фразеологизмнинг ўзбек тилидаги муқобили *ҳайитдан кейин арафа* бўлиб, таркибидаги *ҳайит* ва *арафа* сўзлари ибора маъносига яқин. Арафа аслида ҳайитдан олдин бўлади, агар кимдир ҳайитдан сўнг арафа ошини тарқатса кулгу-мазах уйғотади<sup>16</sup>.

Қайд этилганлар билан бирга, Б.Фрайзернинг ёзишича, «фразеологизмларнинг семантик талқини композицион вазифа эмас, балки уларни ташкил қилган шаклдадир. Фразеологизмда ҳар бир морфеманинг ўз ўрни бор»<sup>17</sup>. Масалан, *spill the beans, use your noodle, bring home the bacon* ибораларидаги «spill», «use», «bring» феъллари ҳам кичик бир иборалардир. Жумладан, В.Л.Архангельскийнинг фикрича, фразеологик бирлик - таркибидаги қисмлар орасида ички алоқадорлик мавжуд бўлган, сўзларнинг турғун, лексик-грамматик бутунлигидир<sup>18</sup>. С.Г.Гавриннинг таърифича, фразеологизмлар умумхалқ ёки маълум бир ҳудудда ишлатиладиган тил бирлиги бўлиб, у турғун ёки сўзамоллик билан ўйлаб топилган янги сўз бирикмаларидир<sup>19</sup>. А.И.Молотковга кўра, фразеологизм сўзга ҳам, сўз гуруҳларига ҳам ўхшамаган, алоҳида лексик маъно, кўп компонентли структура ва ўзига хос грамматик категорияга эга бирликдир<sup>20</sup>.

Ўзбек тилшунослигида Ш.Раҳматуллаев, Я.Д.Пинхасов, А.Шомақсудов, М.Ҳусайиновлар<sup>21</sup> нинг номзодлик диссертацияларини ўзбек фразеологияси соҳасида амалга оширилган дастлабки ишлар дейиш мумкин.

<sup>14</sup> Sholes R. Semiotics and Interpretation. – New Haven: Yale University Press, 1982. – P.162.

<sup>15</sup> Irujo S. Steering clear: Avoidance in the protection of idioms. International review of applied Linguistics. 1986. №21. – P.205.

<sup>16</sup> Маҳмуд Саттор. Ўзбекнинг гапи қизик.– Тошкент: Тафаккур қаноти, 2011. – Б.44.

<sup>17</sup> Fraser V. Idioms within transformational grammar. – Springer, 2013. – P.22.

<sup>18</sup> Архангельский В.Л. Устойчивые фразы в современном русском языке. Основы теории устойчивых фраз и проблемы общей фразеологии. – Ростов на Дону: Изд-во РГУ, 1964. – С.90.

<sup>19</sup> Гаврин С.Г. Заметки по теории фразеологии // Проблемы устойчивости и вариантности фразеологических единиц. №2. – Тула, 1972. – С.132.

<sup>20</sup> Молотков А.И. Основы фразеологии русского языка. – Л., 1977. – С.281.

<sup>21</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. – Тошкент, 1996. – Б.146., Пинхасов Я.Д. Ўзбек тили фразеологияси ҳақида. –Тошкент, 1957. – Б. 12-25., Шомақсудов А. Муқимий сатирасининг тили // ТошДУ илмий асарлари, 366-чиқиши. - Тошкент, 1970. – Б. 62-9., Хусайинов М. Фразеология прозы писательницы Айдын, АҚД. – Самарканд, 1959. – С. 4-11;

Ш.Раҳматуллаевнинг ишларида ФБлардаги полисемия, синонимия, вариация, антонимия, омонимия ҳодисалари бой фактик материал асосида чуқур тадқиқ этилиб, ибораларнинг луғавий бирлик сифатидаги бошқа белги-хусусиятларини текширишга йўл очилган<sup>22</sup>.

А.Маматов ва Б.Болтаеваларнинг монографияси фразеологик бирликларнинг лингвомаданий, семантик-прагматик тадқиқига бағишланган бўлиб, унда шахс эмоцияси, шахсга хос фазилятлар ва характерларни ифодаловчи фразеологик бирликларнинг когнитив ҳамда лингвомаданий, миллий-маданий хусусиятлари ҳақида сўз юритилади. Асарда ҳозирги ўзбек адабий тили фразеологик таркиби тарихий этимологик жиҳатдан уч йўл билан шаклланганлиги кўрсатилган: 1) ўзбек воқелиги асосида шаклланган; 2) қариндош ва ноқариндош тиллардан ўзлаштириш; 3) калькалаш йўли билан кириб келган фразеологизмлар фарқланиши таъкидланган<sup>23</sup>.

Гастрономик фразеологизмлар фразеологиянинг янги тармоғи бўлиб, уни ўрганиш 2000-йиллардан бошланди. Инглиз ва рус тиллари материаллари асосида гастрономик код этнолингвомаданий жиҳатдан М.С.Никишкова, глуттоник прагматонимлар Л.Р.Ермакова, кулинар код Е.В.Капелюшник, «овқат» концепти Г.Савельева ва Е.М.Кирсанова, FOOD концептли метафора ва иборалар лингвокогнитив жиҳатдан Н.Н.Кацунова, «нон» концепти В.П.Синичкин ва Л.С.Зинковскаяларнинг ишларида ўрганилди<sup>24</sup>. Таркибида озиқ-овқат, ичимлик номлари ва бошқа гастрономик компонентлар иштирок этган фразеологизмлар қиёсий планда Т.И.Митричева, П.Г.Логинова, С.Петронела, Л.Пиннавая, М.Мухалад ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган<sup>25</sup>.

Гастрономик фразеологизмлар кундалик ҳаётда истеъмол қилинадиган озиқ-овқат, мева, сабзавот, гўшт турлари, сут маҳсулотлари, ширинлик ва

---

<sup>22</sup> Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фан. д-ри. дисс. автореф. – Тошкент, 1993. – Б.8.

<sup>23</sup> Маматов А., Болтаева Б. Фразеологик бирликларнинг лингвомаданий ва семантик-прагматик тадқиқи. Монография. – Тошкент, 2018. – Б.7.

<sup>24</sup> Никишкова М.С. Этнолингвокультурный гастрономический код в потребностной коммуникации (на материале английского языка): Дисс. ...канд. филол. наук. – Самара, 2017; Ермакова Л.Р. Глуттонический прагматонимы и национальный характер (на материале английского и русского языков): Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Белгород, 2011; Капелюшник Е.В. Кулинарный код в семантике образных средств языка: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Томск, 2012; Савельева О.Г. Концепт «ЕДА» как фрагмент языковой картины мира лексико-семантический и когнитивно-прагматический аспекты (на материале русского и английского языков): Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Краснодар, 2006; Кирсанова Е.М. Прагматика Единств семантического поля «пища» системный и функциональный аспекты (на материале английского и русского языков): Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – М., 2009; Кацунова Н.Н. Опыт лингвокогнитивного анализа метафор и идиом концепта FOOD: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Иркутск, 2007; Синичкин В.П. Концепт хлеб в русском языке, лингвокультурологические аспекты описания: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – М., 2002; Зеньковская Л.С. Репрезентация концепта ХЛЕБ в народноразговорной речи XIX-XXI вв.: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Омск, 2006.

<sup>25</sup> Митричева Т.И. Структурно-семантическая соотносимость наименований пищи в русском и французском языках: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – М., 2009; Логинова П.Г. Языковая манифестация лингвокультурного концепта «вино» фразеологический аспект (на материале французского, итальянского, испанского, английского и русского языков): Дисс. ...канд. филол. наук. – М., 2017; Pinnavaia L. Sugar and Spice... Exploring Food and Drink Idioms in English. – Monza: Polmetrica, 2010; Petronela S., Boghian I. The Methodological aspects of a Romanian-English contrastive collection of food idioms and proverbs // Academia.edu. – Bacau, 2014. – P.99-106; Mukhalad M. Improper semantic interpretations of food idiomatic expressions of Iraqi EFL learners // IJAR. – Sulaymania, 2017. – P.2340-2344.

ичимлик номларини ифодалаган компонентлардан таркиб топади. Ҳар бир тилда гастрономик фразеологизмлар шу миллатнинг қадимий маданиятидан хабар беради. Зеро, аксар халқлар маданиятида озиқ-овқатга буюк неъмат, ризқ-рўз сифатида муносабатда бўлинган.

Гастрономик фразеологизмларнинг шахс ёки нарса-предмет тавсифида қўлланилиши маҳсулотнинг ташқи кўриниши, ранги, хусусияти, тайёрланиши ва таъмига асосланади. Кишилардаги жамики ижобий хусусиятлар ва салбий иллатлар ифодаси гастрономик фразеологизмлар яратган образли тасвир асосини ташкил қилади.

Гастрономик фразеологизмлар маълум бир миллатнинг этник ва маданий жиҳатларининг ўзига хослигини акс эттиради. Шу боис уларни уч аспектда: халқаро, миллий ва маҳаллий нуқтаи назардан таҳлил қилиш мумкин. Гастрономик фразеологизмлар миллат ва унинг анъаналари ҳақидаги энг яхши манбадир. Масалан: *bring home the bacon* ибораси 1111 йилда Эсекснинг Буюк Данмов шаҳарчасида (Great Dunmow in Essex) «Dunmow fitch» (Данмов дудланган чўчқаси) номли урф-одатдан келиб чиққан<sup>26</sup>. Одатга кўра, янги турмуш қурган оила бир йил давомида урушмагани ва ҳеч ҳам ажралиш ҳақида ўйламаганини айтиб черковда қасам ичса, бу жуфтликка дудланган чўчқа тақдим этилган. Яна ярмаркаларда чўчқа тутиш маросимлари ташкил қилинган, ютган одам чўчқани уйига олиб кетган. Лекин бу одат ибора сифатида 1910-йиллардан эътиборан қўллана бошлаган. Америкалик машҳур боксчи ғолиб бўлганда, унинг онаси: «у уйга чўчқа гўштини олиб келаман деган эди ва ваъдасида турди», – дейди. «Oxford Companion to American History» ташкилотига кўра, мана шу воқеа янги иборанинг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Масалан, қуйидаги парчада *bring home the bacon* ибораси «пул топиб келиш, оилани боқиш» маъносида қўлланган: *Now, course, Mr. Eathorne, you're conservative and may be you feel these stunts would be undignified, but honestly I believe they would bring home the bacon* (S.Lewis, «Babbitt») *Албатта, Сиз, жаноб Итори, консерватив инсонсиз, ва сизга бу қилиқлар галати ва нолойиқ туюлаётган бўлиши мумкин, лекин, худо ҳақи, улар ўз нонини ўзи топа олади.*

Шунингдек, мазкур ибора «пулсиз, оч қолиб кетмаслик» маъносини ифодалаганини кўриш мумкин: *I have never, never failed to bring home the bacon, she said slowly...* (G.Vidal) *Ўз аравамни ўзим тортганман, оч қолмаганман, – деди у секингина.*

Қайд этилган ҳар икки жумлада ҳам ибора «уйга егулик олиб келиш, оилани боқиш» маъносини ифодалаган. *Bring home the bacon* фразеологизмининг ўзбек тилида қуйидаги муқобиллари кузатилади: 1) *ўз нонини ўзи топмоқ* – ўзбек тилидаги муқобили ҳам гастрономик компонент ёрдамида ҳосил қилинган; 2) *ўз аравасини ўзи тортмоқ* – ўзбек халқининг кундалик ҳаётига хос «арава» сўзи ёрдамида шаклланган.

Ҳар қайси тилнинг ўзига хос хусусиятлари, меъёрлари ва маданий мулоқот доирасига кўра гастрономик фразеологизмларнинг таянч компонентларининг

<sup>26</sup> Rees N. Cassell's dictionary of word and phrase origins. – London: Bookmarque Ltd, 2002. – P. 37.

микдори ҳам фарқли бўлади. Масалан, ўзбеклар ҳеч қачон «нон ҳақи» ўрнига инглизлар сингари «нон ва туз ҳақи» (By bread and salt) деб қасам ичмаганларидек, инглизлар ҳам «бировнинг нонини емоқ ва тузини ичмоқ» (To eat somebody's bread and salt) ўрнига ўзбеклардек «бировнинг тузини ичмоқ» демайдилар. «Яхши қуролланмоқ» ва «бировнинг асабига тегмоқ» тушунчаларининг образли ифодаси учун ишлатиладиган фразеологизмларнинг инглизча ва русча вариантларидаги компонентлар микдори ҳам уларнинг ўзбекча муқобилларидан кам бўлиб, таржима жараёнида тил меъёри доирасида талқин этилган.

Л.Пиннавая таъкидлашича, XVII асрда У.Шекспир инглиз тилидаги ўн бешта гастрономик иборага асос солган бўлиб, булар: *be caviar to someone*, *the world is one's oyster* ва *the milk of human kindness* каби иборалардир<sup>27</sup>. *Cannon fodder* ёки *food for power* рус тилидаги *пушечное мясо* ўзбек тилига *қуруқ ем* иборасига мазмун ва шакл жиҳатдан мос келади. 1814 йилда Ш.Ф.Рене Наполеон тузумини қоралаб, «Инсон ҳаётига ва Францияга нафрати шунчалар кучли эдики, янги келган аскарларни *хом ва қуруқ ем* деб аташарди», – деб ёзади<sup>28</sup>.

Инглиз тилидаги гастрономик фразеологизмларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, уларнинг сони тил ривожини билан ортиб борган: XIII асрда 2 та, XIV асрда 5 та, XV асрда 3 та, XVI асрда 32 та, XVII асрда 38 та, XVIII асрда 20 та, XIX асрда 69 та ва XX асрда 50 та.<sup>29</sup> Л. Пиннаваянинг фикрича, охириги икки асрда барча гастрономик фразеологизмларнинг 76% аниқланган бўлиб, улар журнал ва бадиий асарларда қўлланилган. Масалан, *coach potato* ибораси 1979 йилда «Лос Анжелс Таймс» газетасида биринчи бор ишлатилган<sup>30</sup>.

Диссертацияда инглиз ва ўзбек тилларида гастрономик компонентли фразеологизмлар ажратилиб, семантик ва лингвомаданий таҳлил қилинди. Инглиз тилидаги 21 турдаги гастронимик компонентли 180 та фразеологизм тавсифланди. Масалан, фразеологизмларда 40 та сут маҳсулотлари (улардан 24 та сут, 12 та сарёғ, 1 та пишлоқ, 2 та қаймоқ), 26 та мева, 22 та тухум, 20 та нон, 17 та гўшт, 13 та пирог, 8 та сабзавот, 9 та чой, 5 та пудинг, 3 та дуккакдилар, 3 та нўхат, 2 та торт, 2 та асал, 2 та туз, 2 та ёғ, 2 та ёнғоқ, 1 та лағмон, 1 та уксус, 1 та тузлама, 1 та хантал, 1 та ширинлик гастрономик компоненти иштирок этган.

Ўзбек тилида 27 хил гастрономик компонент иштирок этган 154 та фразеологизм аниқланди. Масалан, 21 та сут маҳсулотлари (улардан 13 та сут, 3 та қатиқ, 1 та қурут, 2 та қаймоқ), 30 та миллий таом номлари (улардан 16 та ош ва 14 та ва ҳ.к. (лағмон, сомса, шавла), 24 та нон, 8 та сув, 7 та ёғ ва мой, 7 та мева, 7 та гўшт, 5 та эт, 5 та туз, 5 та сабзавот, 4 та полиз экинлари, 4 та бошоқли экинлар, 4 та мош, 4 та ҳолва, 4 та захар, 3 та ёнғоқ, 3 та шакар, 3 та

<sup>27</sup> Tan Kim Hua. Food and drink idioms. The southeast asian journal of English studies, 2018. – P.206-207.

<sup>28</sup> Кунин А.В. English-Russian phraseological dictionary. – М.: Русский язык, 1984. – С.536.

<sup>29</sup> Pinnavaia L. Sugar and spice... Exploring food and drink idioms in English. – Milan: Polimetrica, International scientific publisher, 2010. – P.126.

<sup>30</sup> Tan Kim Hua. Food and drink idioms in English // The Southeast Asian Journal of English Language Studies, 2018. – Vol.24(2). – P.206-207.

писта, 2 та бол, 2 та зувала, 2 та қанд, 2 та хамир, 1 та жийда, 1 та тухум, 1 та арпа, 1 та бодом компонентлари қатнашган.

Фразеологизмларнинг миллий-маданий табиатини ёритишда маданий кодлар асос бўлади, чунки улар халқнинг маданиятини намоён этади. Шу маънода гастрономик фразеологизмларни ҳосил қилишда гастронимлар маданий код бўлиб хизмат қилган. Ўзбек миллий таом номлари инглиз маданияти учун реалия ҳисобланади. Шундай таомлардан бири ош (палов)дир. Ўзбек кундалик турмуши, анъана ва маросимларини ошсиз тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун ҳам *ош* маданий коди билан ҳосил қилинган гастрономик фразеологизмларнинг аксарияти ўзбек халқининг этник маросимларини акс эттиради. Масалан, *ош бермоқ* – «тўй ва бошқа маъракаларда катта қозонда ош дамлаб, юртни зиёфат қилмоқ»; *ошини емоқ* (масалан, қачон ошингни еймиз?) – «тўйи бўлмоқ». Бевосита этник маросимларнинг ўзини ифодалайдиган: *қиз оши*, *хотин оши*, *арвоҳ оши*, *маслаҳат оши* ва ҳ.к. иборалар ҳам шулар жумласидан. Шунингдек, *ош* маданий коди билан ясалган: *ошга пашша тушди* // *ошга пашша бўлмоқ* – «яқин кишилар суҳбатининг номақбул кишининг келиши билан бузилиши»; *ошини ошаб*, *ёшини яшамоқ* – «умрнинг кўп қисмини яшаб бўлмоқ»; *ош бўлсин* – «еган-ичганингиз татисин»; *оғзидаги ошини олдиarmoқ* – «қўлдан чиқармоқ, бой бермоқ» гастрономик фразеологизмлари мавжуд.

Инглиз маданиятидаги «roast beef» (печда ёки оловда пиширилган гўшт) таоми ўзбек тилида реалиядир. Британияда миллий таомларнинг «шоҳи» бўлган «roast beef» байрам дастурхони кўркидир. Унинг миллий таом сифатида шаклланишида Британия иқлими ҳам таъсир кўрсатган. Маълумки, иқлимнинг серёмғир бўлиши бевосита қайси турдаги чорва ҳайвонларини боқиш билан боғлиқ, шунинг учун ҳам Англия ва Шимолий Ирландияда «roast beef» (оловда пиширилган мол гўшти), Шотландияда «roast lamb» (оловда пиширилган қўй гўшти) ва Уэлсда «roast chicken» (оловда пиширилган товуқ гўшти) маросим ва тантаналар таоми сифатида машҳур. *Roast meat* ифодаси қуйидаги гастрономик фразеологизмлар таркибида учрайди: *roast meat and potatoes*<sup>31</sup> – қизартириб қовурилган гўшт ва картошка (бирор ниманинг энг муҳим қисми), *one man's roast meat is another man's poison* – бирор киши учун қизартириб қовурилган гўшт, бошқа киши учун захар (бир одамнинг энг севимли нарчаси ўзгалар учун захардир), *dead meat* – ўлик гўшт (пўписа қилмоқ) каби тушунчаларни англатади.

Ўзбек лингвомаданиятида таркибида *гўшт* сўзи қатнашган гастрономик фразеологизмларнинг аксарияти салбий маъно билдиради. Масалан: *гўштини бурда-бурда қилмоқ*, *гўштини емоқ* (*гўштингни ейман*) иборалари таҳдид маъносида, *бир-бирининг гўштини емоқ*, *гўшткетти бўлмоқ* иборалари «урушмоқ, жанжаллашмоқ» маъносида қўлланади. Мазкур гуруҳга инглиз тилидаги *dead meat* – ўлик гўшт (пўписа қилмоқ) фразеологизми маъно жиҳатдан яқин. *Номаъқул бузоқнинг гўштини емоқ* ибораси «бўлмағур,

<sup>31</sup> <http://www.phrases.org.uk/idioms/meaningd.html>

бўлмаган гапни айтмоқ» маъносини англатади. Шунингдек, инглиз лингвомаданиятида *mutton* (қўй гўшти), *pork* (чўчка гўшти), *beef* (мол гўшти) ва *turkey* (курка гўшти) сўзлари билан ифодаланган гастронимик фразеологизмлар ҳам кенг тарқалган. Масалан: *A leg of mutton* – бўрсилдоқ, лўппи. «*Splendid. He's got a great red face like a leg of mutton, and on his right cheek there's an enormous mole with long hairs growing out of it.*» ( *W. Somerset Maugham, The Moon and Sixpence. Ch. XXIII*) – *Портрет учун жуда мос экан. Юзи қизил, семиз қўйнинг сонидай ёглиқ, йилтиллайди, ўнг юзида каттакон сўғали ҳам бор.* (У.С. Моэм. Р.Иноғомов таржимаси)

Мазкур фразеологизм кўпинча кишининг қайсидир тана аъзоси семизлигини ифодалайди. Ўзбек тилида эса бундай ҳолларда *мош еган хўроздай* ибораси ишлатилади. Таржимон *a leg of mutton* фразеологизмининг ўзбек тилига *семиз қўйнинг сонидай ёглиқ* деб сўзма-сўз ўттирган. Бизнингча, уни «*мош еган хўроздай, қип-қизил юзи*» деб таржима қилиш мақсадга мувофиқ бўларди.

*Mutton dressed (up) as lamb* (кампир қиз бўламан дейди) фразеологизми инглиз халқининг кундалик ҳаёт тарзини бевосита акс эттиради. Маълумки, инглиз таомномасида ҳар бир гўшт тури учун алоҳида, ўзига хос қайла бўлади. Бинобарин, қўй гўшти кўзичоқ гўштининг қайласи билан дастурхонга тортилмайди. Бу борада маданий меъёр қоидаларига қатъий риоя қилинади, меъёрдан чекиниш эса маданиятсизлик саналади. Шу боис инглиз лингвомаданиятида ёш қизлардек ўзига номуносиб кийинган ёши катта аёлларга нисбатан *mutton dressed (up) as lamb* фразеологизми қўлланилади: *They are popular in the neighborhood, I gather.* '«*Some of the old cats don't like 'em,*' said General Grant. 'A good deal of *mutton dressed as a lamb* round here». (А.В.Кунин, Б.523.) – *Фикримча, улар маҳалламизнинг кўзга кўринган қизларидан. Фақат кампирлар эмас, – деди Генерал Грант. – Ўзимизда ҳам қиз бўламан деган кампирларимиз талайгина.*

*Mutton dressed (up) as lamb* фразеологизмининг ўзбек тилидаги муқобилларида гастронимик компонент иштирок этмаган. Қийёсланг: *кампир қиз бўламан дейди; қариб қуйилмаган.*

Диссертациянинг «**Инглиз ва ўзбек тилларида фразеологизмларнинг гастронимик кодларга кўра таснифи**» номли 2-бобида иборалар «*milk*»/ «*сут*», «*bread*»/ «*нон*», «*dessert*»/ «*ширинлик*» сингари гастронимик кодларга ажратиб ўрганилган.

Озиқ-овқат номлари фразеологизмларни шакллантиришда иштирок этади. Бундай фразеологизмларнинг лингвомаданий кодини аниқлаш орқали этнолингвомаданий коднинг бир неча рамзлари мажмуини белгилаш мумкин. Агар код муайян функцияларни бажарувчи белгилар тизими бўлса, маданий код маданиятнинг белгилари жиҳати билан қараладиган мажозий тизимдир. Лингвомаданий код эса табиий тил тимсолига эга маданий код ҳисобланади<sup>32</sup>.

Гастронимик турдаги белгилар семиотик ва этномаданий характерга эга бўлиб, ушбу компонентли бирликлар аниқ маданий семиотик рамзни ифода


<sup>32</sup> Савицкий В.М. Порождение речи: дискурсивный подход. Монография. – Самара: ПГСГА, 2013. – С. 226.

этади. Бу тил эгасининг онгида муайян ассоциацияни уйғотган этномаданий коннотация бўлиб, унинг семиотик интеграцияси муайян ижтимоий-маданий давомийликка боғлиқ бўлади<sup>33</sup>. Этнолингвомаданий гастрономик коднинг шаклланиши этник гастрономик маданиятнинг туб-тубида кўп босқичли характерни ифода этган ҳолда глуттоним белгилар тизимида амалга оширилади. Биринчи босқичда тил-ресурс номларида белгилар шаклланади, уларнинг маънолари «ейиладиган» – «еб бўлмайдиган» қарама-қарши бинар код билан тартибга солинади, бу жараён антропологияда К.Л.Стросс томонидан гастрономик кодлашнинг асоси сифатида тасвирланган<sup>34</sup>.

Умуман, гастрономик жиҳатлар билан боғлиқ идиоматик бирликларда ҳар бир халқ учун ўзига хос бўлган рамзий маъноларни ифодалайдиган маданий кодлар мавжуд бўлади. Чунончи, инглиз лингвомаданиятида «нон» пул рамзи сифатида яхши келажакка умидни, «сут» поклик ва адолат рамзини, «ёғ» эса бойлик ва юмшоқлик (характер) тимсоли бўлиб келади.

Агар код муайян вазифаларни бажарувчи белгилар тизими бўлса, маданий код маданиятнинг рамзий жиҳатини акс эттирадиган мажозий тизимдир. Лингвомаданий код эса табиий тил тимсолига эга бўлган маданий код ҳисобланади. Ҳар бир тил эгаси бу кодларни ёшлигидан, она тили билан бирга ўрганади<sup>35</sup>.

Инглиз тилидаги сут гастрономик когли фразеологизмларнинг лингвомаданий таҳлилини қуйидаги лингвосемиотик моделга мувофиқ амалга ошириш мумкин:



G – гастрономик компонент (бу ерда сут).

T – image<sub>f</sub> → cmm – озиқ-овқат образининг (FI) трансформация жараёни. Вербал коддан лингвомаданий кодга айланиши.

FI – муайян турдаги муносабатларни акс эттириш.

1) To cry over spilt milk

Spilt milk<sup>[food]</sup> → wasted nutrient – rich liquid food → something which is valuable and important but wasted → to cry over spilt milk<sup>{communication}</sup> = Don Manuel... was not one to cry over spilt mlk.

Ушбу мисолда компонентнинг гастрономик коддан ижтимоий белгиланган ҳолат кодига ўтишини кўришимиз мумкин. Spilt milk (тўкилган сут) фразеологик бирлиги «қўлдан бой берилган имконият» ёки «ўтиб кетган фурсат» маъносини ифодалайди.

<sup>33</sup> Ермакова Л.Р. Глуттонические прагматонимы и национальный характер (на материале русской и английской линвокультур). Дисс. ...канд. филол. наук. – Белгород, 2010. – С.33.

<sup>34</sup> Никишкова М.С. Этнолингвокультурный гастрономический код в потребности коммуникации (на материале английского языка). Дисс. ...канд. филол.наук. Самара, 2017. – С.50.

<sup>35</sup> Савицкий В.М. Порождение речи: дискурсивный подход. – Самара: ПГСГА, 2013. – С.226.

## 2) A land of milk and honey

Milk and honey <sup>[food]</sup> → nutrient – rich liquid food; sweet viscous food → adorable and admirable place → a land of milk and honey <sup>{communication}</sup> = «Look» he said, «this ain't no land of milk and honey like the preachers say».

Гастрономик код бу ерда жой кодига айланган. Инсоният орзусидаги жаннатмакон ўлка «сут» ва «асал» гастрономик кодлари орқали ифодаланган.

## 3) The milk of human kindness

The milk <sup>[food]</sup> → nutrient – rich liquid food → soft and kind behaviour → the milk of human kindness <sup>{communication}</sup> = A man just made out of the condensed milk of human kindness.

Мазкур контекстда гастрономик коднинг ахлоқий кодга трансформациясини кўриш мумкин.

«Сут» гастрономик коди инсон онгида соф ва тоза маҳсулот сифатида гавдаланади. Сут компонентининг гастрономик коддан ижтимоий ҳолат, жой ҳамда ахлоқий кодга ўзгариши «сут»нинг инглиз миллатига этник тегишлилиги ва унинг аллақачон лингвомаданий кодга айланганини кўрсатади. Ўзбек тилидаги «она сути» компонентли ибораларнинг ижтимоий ҳолат (*она сутим оғзимга келди*) ва ахлоқий (*она сутини оқлаш*) кодга айланиши бу компонентнинг ўзбек маданиятида хосланганлигини кўрсатади.

Инглиз тилидаги 24 та сут гастрономик кодли фразеологизмларнинг ўзбек тилидаги муқобиллик даражаси 71% ни ташкил қилади. Улардан 37%и ўзбек тилида ҳам гастрономик кодли бўлса, 12%и иккала тилда ҳам сут (milk) коди билан ифодаланган. Муқобиллари топилмаган сут гастрономик кодли фразеологик лакуна<sup>36</sup>лар 29% ни ташкил қилди.

Ўзбек тилидаги 13 та сут гастрономик коди билан ясалган фразеологизмларнинг инглиз тилидаги муқобиллик даражаси 58.3% ни ташкил қилган. Улардан 47.8%и инглиз тилида ҳам гастрономик код ёрдамида, 42.8%и эса сут бирлиги воситасида ифода этилган. Муқобиллари топилмаган сут гастрономик кодли фразеологик лакуналар 41.6%.

Таркибида «сут» гастрономик коди иштирок этган фразеологизмларни миллий-маданий хусусиятларига кўра *менталитет*, *маданий хусусият*, *диний эътиқод*, *ирим-сирим*, *географик ҳудуд* ва *цивилизация* билан боғлиқ гуруҳларга ажратиш мумкин.

Инглиз ва ўзбек тилларида «нон» ва «нон маҳсулотлари» компонентларидан таркиб топган фразеологизмлар фаол қўлланилади ва уларда миллатнинг асосий хусусиятлари ифодаланади. Нон илоҳий ва қадрли неъмат сифатида «Инжил»да «ҳаёт манбаи» (*staff of life*), Худонинг рамзи деб талқин қилинади<sup>37</sup>. Нон концепти фразеологизмларни шакллантиришда ҳам фаол иштирок этади. Масалан: *bread and butter* «кимнингдир тирикчилик қилиш йўли», «пул топиш»; *earn one's bread* «нонини топмоқ», «оилани тебратиш»; *bread and butter letter* (a letter of thanks for hospitality) «меҳмондорчилик учун

<sup>36</sup> Фразеологик лакуна чоғиштирилаётган тилда тушунча мавжуд бўлгани ҳолда уни ифодаловчи фразеологизмнинг мавжуд эмаслигидир.

<sup>37</sup> [https://biblehub.com/topical/naves/b/bread--called\\_the\\_staff\\_of\\_life.htm](https://biblehub.com/topical/naves/b/bread--called_the_staff_of_life.htm)

ташақкур хати», шунингдек, ўзбек тилидаги *ноумид шайтон* иборасига муқобил бўла оладиган *hope is poor man's bread* (умид – камбағал одамнинг нонидир) иборалари шулар жумласидандир.

Инглиз лингвомаданиятида *bread* гастронимик кодли фразеологизмлар куйидаги ассоциатив қаторларни ҳосил қилади:

**1. Даромад, тирикчилик:** *earn/make one's bread and butter; bread and butter; bread winner; eat smb's bread; man cannot live on bread alone; daily bread; half a loaf is better than no bread at all.*

**2. Камбағаллик ва омадсизлик:** *quarrel with bread and butter; bread always falls from buttered side down; on the breadline; eat the bread of affliction.*

**3. Ютуқ ва омад:** *the hottest/best thing since sliced bread; know which side one's bread is buttered; throw/cast one's bread upon the waters; to have one's bread buttered on both sides; bread and Circuses.*

**4. Ноҳақлик, ғирромлик:** *ask for bread and be given a stone; take the bread out of somebody's mouth.*

Ўзбек лингвомаданиятида *нон* гастронимик кодли фразеологизмларнинг куйидаги ассоциатив қаторлари кузатилади:

**1. Даромад, тирикчилик:** *нон емоқ; нон топмоқ; нон пули; нони бутун; нони яримта бўлди; нонни ёғ билан емоқ.*

**2. Камбағаллик, кашшоқлик:** *нон гадоий бўлмоқ; бир бирда нонга зор бўлмоқ; қотган нон емоқ.*

**3. Озуқа, неъмат, ризқ-рўз:** *нонини емоқ (тузини емоқ); нон-туз ҳаққи.*

